

Абу Ҳанифанинг сўзи аввалдан ўзи пайдо бўлган шариатми?



16:35 / 02.01.2025 1532

Фақиҳлар ҳукмларни татбиқ қилишади. Бу ҳукмлар эса мужтаҳидларнинг сўзларидан олинган бўлади. Шундан келиб чиқадики, бу борада иккита илм бор: ҳукмни чиқариб олиш илми ва уни амалга татбиқ қилиш илми. Бу биринчи фикр.

Энди бошқа охирги фикрга ўтсак.

Ҳозирги кунга келиб, замонимиздаги баъзи одамларда фикҳга шубҳа билан қараш пайдо бўляпти. Бу иш таҳаллул йўналишида кенг тарқаяпти. Улар: «Фикҳ диннинг таркибий қисми эмас, диндан айри нарса», дейишяпти. Уларга қандай жавоб берамиз? Уларга шундай деймиз: «Дин тўғри эътиқод, намунали хулқ ва солиҳ амалдан иборат. Демак, фикҳ ҳам диннинг бир қисмидир».

Улар: «Абу Ҳанифанинг гапидан чиқиш диндан чиқиш эмас», дейишди, кейин эса: «Умуман, бирор мазҳабни ушлаш шарт эмас», деб юборишди. Таҳаллул йўналиши тарафдорлари бирор ҳукм ҳақида: «Бу Абу Ҳанифанинг сўзи, Абу Ҳанифанинг фикри», дейишди. Уларга шундай деймиз: «Бу Абу Ҳанифанинг шахсий фикри эмас. Бу «Чой ичгим келяпти», «Қаҳва ичаман», «Фалон таомни егим келяпти», деганга ўхшаган фикр эмас. Бу илмий фикр. Сиз шифокорнинг ҳузурига бориб, унинг илмий фикрини эшитиш учун пул тўлайсиз. Худди шунингдек, бу ҳукмлар ҳам Абу Ҳанифанинг илмий

фикридир. Абу Ҳанифанинг илмга асосланган фикри эса диндир. Қандай қилиб, дейсизми? Аллоҳ таоло: «Билмасангиз, зикр аҳлидан сўранг», деган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ижтиҳод қилганлар, саҳобалар ҳам ижтиҳод қилишган. Мана шу нарса аста-секин динни фаҳмлашга айланди. Биз ҳам динни фаҳмлашга буюрилганмиз. Абу Ҳанифанинг сўзи аввалдан ўзи пайдо бўлган шариатми? Йўқ! Унинг фикри Аллоҳ ва Унинг Расули ирода қилган нарсани баён қилиб, очиб беришдир. Қандай қилиб? Абу Ҳанифа илм ўрганди, шайхларнинг қўлида ўқиди, қоидалар ишлаб чиқди, шу тариқа унда муайян шартлар шаклланди. Шунинг учун у энди динни, Аллоҳнинг иродасини фаҳмлашга, тўғри тушунишга қодир бўлди. Энди унинг гаплари шахсий фикр эмас, балки Аллоҳнинг динини фаҳмлашга айланди. Унинг вазифаси Аллоҳ ва Унинг Расули ирода қилган нарсаларни қоидаларга мувофиқ баён қилиб бериш бўлиб қолди, чунки унинг сўзлари шахсий фикрга эмас, Қуръон ва Суннатга асослангандир.

Биз тиббиёт, муҳандислик ва шу каби бошқа барча илмларга асосланиб, бинолар қурамиз, беморларни даволаймиз. Буларнинг ҳаммаси ҳам илмий фикрга асосланган. Мана шу илмий фикрларга қараб жамиятни қурамиз, даволанамиз, ҳамма ишларни илм асосида бажарамиз. Булар ҳам фикр-ку! Лекин муҳандисларнинг фикрини уларнинг ўз шахсий фикри десак, бинони ишонч билан қура оламизми? Шифокорнинг тавсиясини унинг шахсий фикри десак, қандай қилиб даволанамиз? Агар биз мана шу фикрда юраверсак, бинолар ҳам қурилмайди, муҳандислик ҳам бўлмайди, умуман, ҳар қандай илм тўхтаб қолади.

Шунинг учун биз буларни илмнинг қоида ва асослари устига қурилган илмий фикрлар, деб атаймиз. Бошқа соҳаларда мутахассисларнинг фикрини эътиборга олганимиз каби, шаръий илмларда ҳам шундай қиламиз. Шаръий илмларнинг қолган барча илмларга нисбатан устунлиги бор, чунки улардаги қоидалар Қуръон ва Суннатдан олинган. Демак, хулоса шу бўлдики, фикр диннинг бир қисми экан.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.